OZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH
TOSHKENT FARMASEVTIKA INSTITUTI

Kafedra: Ijtimoiy fanlar

Mustaqil ish

Mavzu:Qadimgi davr madaniyati

Bajardi: 2 kurs, farmatsiya 4 gr, O'ktamov. Sh

Tekshirdi:Xusanboeva. Y

TOSHKENT 2017

Reja:

1 Antik davr madanyati.

2 Antik Rim madanyati.

3 Dunyo haqidagi tasavvurlarini kengayishi.

4 O`rta asrlar ilm-fan taraqqiyoti.

Антик давр маданияти – жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлиб, у даврда философия, маданият фан сифатида шаклланди. Ўша давр юнонларнинг турмуш тарзи, фикрлаши, маънавияти ҳозиргача ҳам инсонларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

Антик Европа маданиятининг шаклланишига Месопотамия ва Миср маданиятининг, айниқса, арифметика, астрономия, мифология, ва теология соҳаларида эришган дастлабки муҳим ютуқларнинг аҳамияти катта бўлди,

Қадимги Юнон маданияти эрамиздан авв. XXVIII асрдан эр. авв. II асргача давом этди. Юнонлар ўзларининг ватанини **Эллада** деб атаганлар. Қадимги Юнон маданиятининг энг юқори даражага кўтарилган даври эр. авв. V-IV асрларга тўғри келади.

Қадимги Юнон маданияти жаҳон маданияти тарихида фавқулодда ҳодиса сифатида ўзини намоён этди.

Эллада ҳозирги замон давлатларининг бошқарув шакли – Республика ва демократиянинг ватанига айланди. Унинг намунавий шакли Перикл (443-429) ҳисобланади. Юнонистонда жисмоний ва ақлий меҳнат иккига ажралади. Жисмоний меҳнат бу қулларга, ақлий меҳнат қилиш эса озод кишиларга тааллуқли эди. Юнонлар давла ва шахсий мулк, жамоа ва шахсий манфаатларни ўзаро жуда моҳирона боғлай олганлар. Аристократия одоби – мусобақа тамойиллари асосида биринчилардан бўлишга интилиш қадрияти кенг қулоч ёйди. Бундай ўйинлар саҳнаси: Олимпия ўйинлари мунозара, жанг майдони, театр саҳналари эди.

Юнонлар учун эркинлик энг юқори қадрият ўисобланиб, унинг учун ҳатто ўлимга ҳам тик борганлар. Леонид жасорати ёки Прометей ҳақидаги бунга мисолдир.

Юнонларнинг турмуш тарзи ҳақиқат, гўзаллик, меҳрибонлик каби котегориялар уйғунлиги билан белгиланган. Улар учун меъёр тушунчаси муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун юнонларда мулк эркин кишилар учун ажралмас атрибут бўлса, иккинчи томондан очкўзлик, молпарастликни қоралаганлар.

Инсонни тарбиялаш учун икки йўналиш бўйича таълим тизими вужудга келтирилган: а) «Гимнастика»; ва б) ақлий йўналишдаги барча турлари, чунончи, табиий фанлар, фалсафа, нотиқликни ўрганиш. Озод юнонларни болаларни етти ёшдан бошлаб бошлангич мактабга борганлар. Бадавлат кишиларнинг болалари эса 18 ёшгача гимназияларда ўқишни давом эттирганлар. Болалар мактабларда чиройли ёзишга, аниқ ва равон сўзлашга ўргатилган. Улар Гомер, Гессиод ва бошқа шоирларнинг шеърларини ва достонларини ёд олганлар. Юнонлар ашула айтиш, рақсга тушиш, лира созини чалишни билмайдиганларни ўқимишли деб ҳисобламаганлар. Болалар улғая борган сари югуриш, курашга тушиш, сакраш, диск, найза отиш ва қилич чопиш билан шуғулланганлар. Шу тариқа улар ватан ҳимоячилари сифатида тайёрланган.

Айниқса, бу соҳада Спарта мактаби ажралиб турган.

Ҳар қандай эркин юнон полис (шаҳар) давлатнинг энг олий эҳсон деб қабул қилинган ва унинг ватанпарвари бўлган.

Биринчидан юнон файласуфи Фалес бўлиб, у сувни оламдаги барча борлиқнинг асоси деб ҳисоблаган. Юнон файласуфларининг энг юксак намоёндалари сифатида Сукрот, Платон ва Аристотель ҳисоблаганлар. Юнонистонда оламни фалсафий мушоҳада қилиш-мантиқ ва тасдиқлашга таянган илмий ва рационал фикрлаш методи орқали билиш мумкинлигига асос солинган.

Пифагор, Евклид ва Архмедлар математика ва математик фанлар-геометрия, оптика, гидростатика фанларининг асосчилари ҳисобланади. Астраномия соҳасида Аристарх биринчи бўлиб геоцентризм ғоясини илгари сурди. Гиппократ- медицина фанига асос солди. Геродот тарих фанинг отаси ҳисобланади. Аристотель асарлари маданият назарияси бўйича биринчи фундаментал илмий ишлар қаторида ўрин олган эди.

Деярли ҳозирги замон маданиятининг жанрлари қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Баъзилари ўша даврнинг ўзида жуда юқори даражага кўтарилди. Фидий бошчилигида бадиий тасвирий санъат асарлари, Зевснинг катта ҳайкали бунга мисол бўла олади.

Юнонлар биргина яратувчилик билан шуғулланибгина қолмай, шу билан бирга гўзаллик қонунлари билан яшашни ҳам хоҳлар эдилар.

Шунингдек, юнонларда ибтидоий дин шакллари-тотемизм, анимизм ва фетишизм тасаввурлари кучли бўлган. Ибтидоий жамоа тузимидан синфий жамиятга ўтиш давомида юнонларнинг диний тасаввурлариҳам ўзгариб борган. Уларда ҳар бир йирик ҳодиса, касби – корининг ўз худолари-хомийлари бўлган.

Зевс-юнонларнинг энг муқаддас бош худоси ҳисобланган. У осмон, момақалдироқ, чақмоқ ва ёмғир худоси бўлган. Уни одамлар жингалак сочли, серсоқол, қудратли, қўлида чақмоқушлаган, басавлвт киши сифатида тасаввур қилганлар. Зевснинг укаси Пасейдонни «ерни тебратувчи» даҳшатли денгиз худоларидан бири деб билганлар. Гелиос қуёш худоси бўлиб, оппоқ отлар қўшилган аравасида осмонига чиққанда кундуз бошланади деб фикр юритганлар. Апполон эса ёруғлик ва санъат худоси саналган. Деметрий ҳам илоҳий тимсол сифатида ўсимликларнинг униб чиқиши, ўсиши, Сарғайиши гўёки унга боғлиқ бўлган. Ер ости ҳукумдори - ҳомийси Аид бўлган. Дионис виночилик, Афродита аввал ҳосилдорлик, кейинчалик севги ва гўзаллик ҳамда денгиз сайёҳлари ҳомийси бўлган. Зевснинг қизи Афина, юнон афсоналарига кўра уруш, ғалаба, санъат, билим ва донолик маъбудаси бўлган. У Афина шаҳрининг ҳомийси бўлиб, ҳакалтарош Фидий томониданшаҳардаги Парфенон ибодатхонаси олдида унинг ажойиб ҳакали ишланган. Юнон худоларидан бири, Зевс ва Геранинг ўғли Гефест темирчилик ҳомийси ҳисобланган, Вулқон лавҳаларининг отилиши ҳам унинг ер остидаги темирчилик устахонасининг маҳсули деб ҳисоблашган. Гермес савдо-сотиқ худоси сифатида эътироф этилган.

Юнонларнинг фикрича, уларнинг Зевс бошлиқ худолари баланд Олимп тоғларида яшаганлар ва бадавлат кишилардай ҳаёт кечирганлар. Улар ҳам

одамлар каби шуҳратпарас, ҳокимиятпарас, шафқатсиз ва қасоскор бўлганлар. Юнон худоларининг одамларидан фарқлари шундаки, **биринчидан** улар умрбоқий, **иккинчидан**, улар Гефесдан ташқари гўзал ва қадди қомати келишган бўлишган. Юнон худолари ҳам севишган, хурсанд ёки ғамгин, ғазабли ҳолатларида номоён бўлганлар. Ердаги аёллар билан худолар қовушувидан қаҳрамонлар дунёга келганлар.

Юнонлар ўз худоларига ишонишган, сиғинишган, уларга атаб ибодатхоналар қуришган ва қурбонликлар қилишган. Лекин юнонларда худоларга кўр-кўрона сажда қилиш, мутаассиблик даражасида бўлмаган.

Масалан, Прометей худолар иродасига қарши одамларга осмондан лоловни ўғирлаб олиб тушиб берган (Прометей афсонасидан).

Юнонлар мифологиясида биргина худоларни эмас, ердаги инсонларни ҳам улуғлаганлар. Бунга Софоклнинг «Дунёда буюклар кўп. Лекин, инсондан бошқа табиатда кучлиси йўқ», ёки Арихмеднинг «Менга таянч нуқтасини топиб беринглар, мен дуёни отин-устун қилиб ташлайман» деган ибораларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қадимги Юнон маданияти 5 та даврга бўлинади:

Эгей маданияти (эр. авв. 2800-1100йиллар).

Гомер даври (эр. авв. XI-IX аср);

Архаик маданият даври (эр. авв. VIII-VI асрлар);

Классик (юқори даражадаги) даври (эр. авв. V-IV асрлар);

Эллинизм даври (эр. авв. 323-146 йиллар).

Эгей маланияти кўпинча Крит-Микен маданияти деб ҳам аташади. Бунинг сабаби Крит ороли ва Микен Юнон маданиятининг асосий марказлари саналган. Шунингдек бу даврни афсонавий подшо Миноснинг номи билан Миной маданияти деб ҳам аташади.

Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларнинг охири, икки мингичи йилларнинг бошларида Крит оролларида Кносс, Феста, Мали ва Като-Закро шаҳар давлатлари вужудга келди. Шаҳарларнинг тутган ўрнини ҳисобга олиниб, баъзида уларни «Сарой маданияти» деб ҳам аташади. Бу даврда асосий Машғулот қишлоқ хўжалиги бўлиб, бунда дон, узум, зайтун етиштирилган. Хўжаликда чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

Крит маданиятига тауллуқли Кнос саройи «Лабиринт» номи билан тарихга кирган бўлиб,унинг биринчи қаватигина сақланиб қолган. У кўп қаватли иншоот бўлиб, 300 хонадан иборат бир гектардан кўпроқ ерни эгаллаган. Саройда сув ўтказувчи мослама (водопровод), канализациява ванналар, ҳунармандчилик устахоналари бўлган. Саройнинг махфий хонасидан аёл худонинг қўлида илонни ушлаб турган ҳайкалчаси топилган. Саройнинг деворларида ҳозирча «Гуллар терувчи», «Қушнитутишга шайлана-ётган мушук», «ҳўкиз билан ўйин» каби расм манзаралари сақланиб қолиган.

Крит ўзининг чизиқли ҳарфларидан иборат ўз ёзувига эга бўлган. Лекин бу ёзувни ҳозиргача ҳеч бир олим ўқиб чиқишга эга бўлмаган.

XI-IX асрларнинг Гомер асри деб аталишининг сабаби шуки, бу даврни ёритб берувчи асосий манба Гомернинг «Одиссея», «Иллиада» достонлари бўлган. Бу даврда давлатчилик, шаҳар – сарой турмуш маданияти ва ёзуви йўқ бўлиб боради,

Меҳнат қуролларини темирдан ясашга ўтилиши натижасида меҳнат унумдорлиги анча ошади, деҳқончилик ва чорвачилик ривож топади. Савдо – сотиқда эса айирбошлаш воситаси қорамоллар ҳисобланган.

Архаик даврга хос хусусияти шундаки, Юнонистонда уч аср давомида қишлоқдан шаҳарга, Уруғ-қабилачилик, патриахрат муносабатларидан классик қулчилик босқичига ўтиш учун замин етилади.

Шаҳар – давлат ижтимоий ҳаётининг асосий шакли бўлиб қолади. Давлат тузумининг шакллари – монархия, олигархия, аристократик ва демократик республика бўлган. Юнонлар финикияликларнинг ёзуви асосида 24 та ҳарфдан иборат ўз алифболарини яратганлар.Бу алифбода ҳам ундош, ҳам унли товушларни ифодаловчи 24 ҳарф бўлган, Юнонистонда таълим тизимининг ютуғи туфайли полиснинг эркин кишилари орасида саводсизлар йўқ эди. Жамият қадриятлари ва аҳлоқий нормалар шакллана боради. Бунда ватанпарварлик ва фуқаролик муҳим ўрин тутган. Ўз шаҳрини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи ҳисобланган. Худди шу даврда инсон танаси билан руҳ ўртасида уйғунликни ифодаловчи идеал инсон тўғрисида ғоя шаклланади.

Фалсафа ва бошқа фанлар вужудга келади. Фалсафа фанига Фалес, Пифагор эса математикага асос солади.

Аввал ёғочдан, кейинчалик тошдан фойдаланиб ясаладиган монументаль ҳайкалтарошликка асос солинади. Шулардан кўпроқ тарқалгани: 1) ялонғоч ҳолдаги эркакларнинг ҳайкаллари – «курос»; 2) тикка турган аёллар ҳайкаллари- «кора».

Поэзия соҳасида Гомернинг «Иллиада» ва «Одиссея» достонлари яратилади. Кейинроқ шоир Гессиод томонидан «Теогония» ва «Аёллар катологи» поэмаларида антик мифология ўзининг классик даражасига кўтарилади. Антик шоирлар орасида Архилох (лирик поэзия асосчиси), ҳамда шоира С.О. Лесбос ижодлари алоҳида ўрин тутади. Гўзаллик, севги, ҳузур-ҳаловатни куйлаган Анакреонта ижоди А.С. Пушкин ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган.

«Греция мўъзижаси» номи билан тарихга кирган классик даврда (эр. авв. V-IV а.) қадимги юнон цивилизацияси ва маданияти яшнаб юқори чўққига чиқди. Бу даврда юнонлар эронликлар устидан ғалабага эришгач, иқтисодиёт, савдо кенг ривожланади. Афина Ўрта Ер денгизида энг катта савдо марказига айланади. Афина, Миср, Карфаген, Крит, Сурия, Финикияликлар билан савдо алоқаларини олиб боради.

Юнон фалсафаси юқори даражага кўтарилади. Шу даврда антик давр ақллилик даҳолари Суқрот, Платон, Аристотель каби буюк файласуфлар яшаб ижод қилганлар. Суқрот биринчи бўлиб инсон ҳаёти, яхшилик, ёмонлик, адолат каби муаммоларни мушоҳада қилишга асосий ўрин берди. Суқротнинг шогирди Платон Афина аристократиясининг вакили эди. У эр.

авв. 385 йили Академия номи билан файласуфлар мактабини ташкил қилган. Платон ўзининг идеал шаҳар давлатни оиласи, хусусмй мулки бўлмаган файласуфлар бошқариши зарур эди. Идеал шаҳарнинг аҳолиси жангчилар ва оддий халқ (ҳунармандлар ва деҳқонлар)га бўлинар эди. Келиб чиқиши чет эллик бўлган қуллар ҳам бор эди. Платон тизимини Аристотель (эр. авв. 384-322 йй.) танқид остига олган эди. Унинг «Сиёсат» номли машҳур асарида ўша даврда маълум бўлган билимларни алоҳида соҳаларга- ботаника, физика, сиёсат, тарих каби номларга биринчи бор бўлинган эди. У «Метафизика» асарида фалсафа фанининг метафизик йўналишига асос солган. У Македония подшоси Александр Македонскийнинг устози бўлиб, «Биринчи муаллим» номи билан машҳур бўлган.

Худди шу даврларда «Тарих фанининг отаси» Геродот (эр. авв. 490-430 йй.), атом назариясининг асосчиси Демокрит (эр. авв. 460-370 йй.), машҳур табиб, 72 та китоб муаллифи Гиппократ (эр. авв. 460-375 йй.) каби машҳур олимлар яшаб ижод қилганлар.

Архитектура ва шаҳар қурилиши бўйича Милетлик Гипподам томонидан шаҳарларнинг режалаштириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра шаҳар жамоа маркази, яшаш учун уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш ва порт зоналаридан иборат бўлиши керак эди. Монументал қурилишнинг асосий тури ибодатхоналар бўлган.

Архитекторлар – Гектин ва Каликратлар томонидан қурилган Афина Акрополи жаҳон архитектурасининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланиб, унда 46 та устун ва ҳайкаллар мавжуд бўлган.

Таниқли архитектура иншоотлари ичида дунёнинг етти мўъжизасидан бири Эфесдаги Артемида ибодатхонаси бўлиб, унга ёвузлик тимсоли бўлмиш Герострат томонидан ўт қўйилган эди. Қайта тикланган ибодатхона қурилишида ҳайкалтарошлар Праксител ва Скопаслар томонидан ишланган 127 та устун ажойиб ҳайкаллар ва расмлар акс эттирилган эди. Клласик даврда юнон ҳайкалтарошлик санъати «Эллада» етакчи ўринни эгаллаган эди. ҳайкалтарошлар ичида энг таниқлиси Фидий бўлиб, унинг олимпияда яратган Зевс ҳайкали (бўйи 14 м) оламнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган.

Унинг Афина ҳайкали (бўйи 12 м) Афина Акраполининг марказига қўйилган. Промахос (Афина жангчиси) ҳайкали (бўйи 9 м) жангчи кийимини кийган, найза ушлаб турган аёл худо қиёфасида тасвирланган бўлиб, у Афинанинг ғарбий ҳудратини ифодалаган. Фидий Афина Акраполи қурилишида ҳам иштирок этган.

Пифагор Регийский «Оёғидан тикан чиқараётган бола», Мирон «Дискабол» ва «Афина ва Марсий», Пликлет «Дорифора» ва «Яраланган Амазонка» каби ҳайкалларни яратган. Поликлет инсон танасининг муносиблиги ҳақида «Қанон» асарини ёзган.

Пракситель, Скопас, Лиссил қуйи классика давр намояндаларидир. Пракситеь юнон ҳайкалтарошлигида биринчи бўлиб яланғоч аёл образи – «Афродита Книдская» ҳайкалини яратган. Пракситель

ижоди учун дид, нозик гўзаллик хос бўлиб, улар «Мусаллас қуяётган сатир», «Эрот» ҳайкалларида айниқса ёрқин намоён бўлган.

Скопас Пракситель билан биргаликда Эфесдаги ибодатхона ва Галикарнасдаги Артемида мақбарасини бунёд этишда иштирок этганлар. Сарой рассоми Лиссип Александр Македонскийнинг ҳайкалини яратган. У инсоннинг ички дунёси, кечинмаларини ўз асари орқали намоён қилган. Бунга «Ором олаётган Гермес», «Шиппагини боғлаётган Гермес», «Эрот» асарлари мисол бўла олади.

Поэзия соҳасида Афина демократиясини қабул қила олмай аристократия табақасини ўз асарида улуғлаб куйлаган шоир Пиндар Олимпия ўйинлари ғолибларига атаб қасидалар, қўшиқлар ёзган.

Қадимги Юнон маданиятидаги театр соҳасида трагедия, комедия жанрлари пайдо бўлиши муҳим воқеа ҳисобланади. Юнон театри қишлоқ хўжалиги хомийси бўлган Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган халқ қўшиқлари ва ўйинлари асосида вужудга келган. Дионис байрамлари токлар, дарахтлар барг чиқарган баҳорда ва кузда ўтказилган. «Трагедиялар отаси» Эсхил (525-458 й.) 90 дан ортиқ трагедия ёзган. Эсхил ўз трагедияларида афсонавий воқеалардан фойдаланган бқлса, уларда ўз даврининг муҳим масалалари кенг ўрин тутган. Масалан, ҳалок бўлиб бораётган матриархат билан патриархат ўртасидаги зиддиятлар масаласига бағишланган «Орестея» трилогияси: «Агамемнон», «Хоэфорлар» ва «Авменида» асарларидан иборат. Унинг энг машҳур трагедиялари бўлса «Занжирбанд Прометей» ва «Форслар» дир. «Занжирбанд Прометей» асари инсоннинг куч-қудрати, иродаси буюклиги тимсолидир.

Яна бир буюк трагедия шоирларидан бири Софокл (469-406) бўлиб, у 120 дан ортиқ трагедиялар ёзган. Улардан бизгача еттитаси етиб келган, халос. Афина театрида дастлаб қўйилган «Антигона», «Шоҳ Эдип» асарлари унга шон-шуҳрат келтирган.

Трагедия жанри билан биргаликда комедия жанри ҳам вужудга келиб, ривожланади. Комедия жанрининг отаси Аристофан (450-388) бўлиб, унинг асарларида содда, тушунарли, халқ тилида ёзилган ва ҳаётнинг муҳим масалалари, жумладан, тинчлик муаммоси акс эттирилган. Жумладан, унинг «Тинчлик», «Аёллар халқ йиғинида», «Суворийлар» асарлари ўз даврида машҳур бўлган.

Қадимги юнон маданиятининг сўнгги даври – бу Эллинизм (323-146 й.) дир. Бу даврда маданиятнинг баъзи соҳаларида, жумладан, фалсафада эришилган ютуқлар даражасидан пасайиш ҳолатлари юз беради. Бу даврда юнон маданиятининг бошқа мамлакатларга , жумладан, Ўрта Осиёга таъсири кучаяди. ҳатто бу жараён Юнонистоннинг Римга қарам бўлганидан кейин ҳам давом этади. Рим Юнонистонни сиёсий жиҳатдан тобе этади.

Фан соҳасида бу даврда етакчи ўринни математика эгаллайди. Унинг асосчилари Евклид ва Архимед каби олимларнинг ижоди туфайли математикадан механика, оптика, қурилиш соҳаларида фойдаланиладиган бўлинди. Астрономия, тиббиёт ва география соҳаларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Бу даврда архитектура соҳасида кўплаб ҳашаматли саройлар, кутубхоналар, гимназиялар, уй-жойлар қурилди. Жумладан, Александрияда 799 минг ўрамли китоблар турадиган кутубхоналар қурилган. Архитектор Состратнинг лойиҳаси асосида дунёнинг етти мўъжизасидан бири, 120 м. баландликдаги Александр маёқи барпо этилган.

Қадимги Юнонистон маданияти жаҳон маданиятига катта таъсирини ўтказди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Юнон маданиятисиз ҳозирги Европа маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек Шарқ дунёси ҳам эллинизм маданиятисиз бошқачароқ кўринишга эга бўлган бўларди.

2. Антик Рим маданияти

Антик Рим маданияти эр.авв. VIII асрдан эрамизнинг 476 йилигача давом этган. Қадимги Рим маданиятининг ўрни ва роли тўғрисида матаниятшунос олимлар тўғрисида икки хил қараш мавжуд:

1. Таниқли маданиятшунослар О.Шпенглер ва А.Тойнбиларнинг фикрича, қадимги Римликлар мустақил маданият ва цивилизацияни ярата олмаганлар, улар давлат, ҳуқуқ ва техника соҳаларида ютуқларни қўлга киритганлар холос, бошқа соҳаларда Римликлар эллинизм даражасига ета олмаганлар.

2. Бошқа олимлар, жумладан, Д.А. Силичев бунга қарама-қарши ўлароқ бошқача фикрни илгари суриб, Рим маданияти ва цивилизацияси ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туришини ва жаҳон маданиятида ўз ўрни бор эканлиги қайд қилади.

Римликлар кўп соҳаларда эллинларга ўхшар эди. Бу шубҳасиз, бироқ, шу билан бирга улар ўзларининг қадриятлари ва идеал тизимини яратганлар. Булар сирасига айниқса ватанпарварлик, фуқаролик бурчига содиқлик, худоларга эътиқод, Римда олий қадрият сифатига кўтарилган эди. Римликлар қонунни алоҳида қадрлар, унга бўйсунишни шараф деб билишар эди. Улар учун ижтимоий манфаат шахсий манфаатдан устун турар эди. Кишининг қуйидаги муруватлилик сифатлари улуғланган:

1. Содиқлик. Эр. авв. V асрда ибодатхона қурилган бўлиб унда (фуқаролар ўртасидаги муносабат, аскарларнинг ўз бошлиқларига содиқлиги – ёркин акс эттирилган эди);

2. Жасорат - ўз ишини бажаришда ботирлик, ҳар-хил алдов ва ваъдаларга берилмаслик, сотилмаслик;

3. Шон-шафкат- жасорат учун тақдирланиш ва улуғланиш;

4. Эркинлик – 238 йили унга атаб ибодатхона қурилган. Буларга мисоллар:

1) Юний Брут ҳайдаб юборилган подшо Тарквиния томонидан уюштирилган суюқасдда қатнашгани учун ўз ўғилларини ўлимга ҳукм қилиб қилдиртирган.

2) Муций Сцевола – Этрусск подшоси Парценанинг ҳарбий лагерига жосуслик мақсадида борганида қўлга тушиб, ўз иродасининг қатъийлигининг кўрсатиш учун ўз қўлини оловда куйдирган эди.

Римликлар эркин фуқаро билан қул ўртасидаги зиддиятларни кучайтирдилар. Эркин киши учун сиёсат, уруш, ҳуқуқ қонунларини ишлаб чиқиш, тарихшунослик ва деҳқончилик билан шуғулланиш фахрли ҳисобланган. ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, актёрлик ва драматурглик фахрли касб саналган. Барча қўл меҳнати қулларга тегишли бўлган. Жумладан, ёлғончилик, лаганбардорлик каби иллатлар ҳам қулларга тааллуқли ҳисобланган. Рим классик қулчилик тузумининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди.

Қадимги Римда биринчи бўлиб Нибур томонидан қайд қилинган уруғдошлик асосидаги аҳолининг таркибий тузилиши муҳим рол ўйнаган. Римнинг аҳолиси 300 та уруғдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир ўнтаси курияга бирлашар, ўнта курия- трибуни ташкил қиларди. Учта трибу – бу учта қабила лотин, сабин, этруссклардан иборат эди. Шу трибуларнинг аъзолари тенг ҳуқуқли фуқаролар – патрицийлар эди. Италиянинг бошқа жойларидан Римга кўчиб келган одамлар ва уларнинг аждодларини плебейлар деб атаган. Плебейлар орасида ҳам бой-бадавлат кишилар бўлган, лекин уларнинг орасида камбағаллар кўпчиликни ташкил қилган. Рим аҳолиси ичида қуллар ҳуқуқсиз «гапирувчи ҳайвон» эдилар.

Римликлар нисбатан жанговар бўлганлар ва ҳарбий жасорат улар учун олий қадрият ҳисобланган. Жангчиларнинг бошқинчилик юришлари туфайли Рим империянинг пойтахтига айланди. Рим ҳуқуқи, ажойиб йиллар, турар жойлар, жамоат уйлари Римнинг улкан ютуқлари ҳисобланган. Давлат қурилиши соҳасида республика ва империя бошқаруви шакллари яратилиб, булар такомиллаштириб борилган.

Маънавий маданият соҳасида римликлар юнон маданиятининг ворис-лари ҳисобланардилар. Кўплаб юнон худолари номлари ўзгартирилган. Чунончи, Зевс-Юпитерга, Кронос-Сатурнга, Посейдон-Нептунга, Афродита-Венера, Артемида-Дианага, Афина-Минервага айланган.

Римликларнинг дам олиши ҳам асосан бир ҳил бўлган: ҳаммомларга бориш ва у ердаги машқлар майдончаларида бўлиш, фалсафий соҳада суҳбатлар ўткзиш, кутубхоналарида шуғулланиш ёки боссейнларда ҳордиқ чиқариш улар учун одатий ҳол бўлган.

Милоднинг I асрида гладиаторлик жанглари учун қурилган Коллизей амфитеатри ўзининг улканлиги билан ажралиб турган. Амфитеатрга бир вақтнинг ўзида 50 минг томошабин жойлаша олган. Амфитеатр ареналарига 11 минг йиртқич чиқарилган, 10 минг гладиатор бир-бири билан жанг қилган ва йиртқич ҳайвонлар билан олишган. Омма яраланган гладиаторнинг тирик қолиши ёки ўлдирилиши манзарасини томоша қилган.

Римликлар орасида цирк ўйинлари, айниқса тўртта ёки олтита от қўшилган икки ғилдиракли аравалар пойгаси машҳур бўлган.

Римликларда қуйидаги оммавий йирик байрамлар бўлган:

Сатурналия - ҳар йили декабрь ойида Сатурн худосига аталиб ўтказиладиган байрам бўлиб, у карнавал билан бошланган, байрам вақтида табақавий фарқларга риоя қилинган. Камбағалларга садақа берилган, бир-бирларига ўзаро туҳфалар улашганлар.

Луперкалия - худо Фавкага аталиб (чорва ҳомийси), қадимги ҳосилдорлик сеҳргарлиги билан боғлиқ байрам бўлган.

Бу байрамни ҳар йили февраль ойида ўтказишган. Шу куни ҳаммани қамчи билан уриб чиққанлар (қамчи фебрица дейилган, шундан февраль ойининг номи келиб чиққан).

Мифология соҳасида Рим билан боғлиқ мифлар, чунончи, «Рим дунё маркази», «Рим- доимий шаҳар» сингари дунё устидан Римнинг ҳукмронлик қилиши ғояси алоҳида ўрин тутган.

Философия ва бошқа фан соҳаларида ҳам римликлар юнонлар изидан борганлар.

Рим тасвирий санъат намоёндалари деярлик юнонларнинг асарлари нусҳаларини ва ички дунёсини тасвирлаганлар. Рим ёзувчилари романтик жанрига асос солганлар.

Афсонага кўра Римга эр.авв. 753 йили Ҳасан-Ҳусан Ромул ва Ремиллар асос солганлар. Шу вақтдан Римнинг монархия бошқаруви тарихи бошланади. У даврда жамиятнинг муҳим масалаларини халқ мажлиси ҳал қилган. Патрицийларнинг (туб аҳоли) нуфузли оқсоқолларидан «Кексалар кенгаши» тузилиб, уни лотинчадан Сенат деб аташган. Дастлаб Сенат ва подшо халқ мажлисга таяниб давлатни идора қилишган.

Эр. авв. 510 йили Сенат билан подшонинг қарама-қаршилиги натижасида подшо Таквиний ағдарилиб, Римда аристократик Республика бошқарув тизими ўрнатилди. Пуни урушларидан кейин (264-146 йй.) Карфаген мағлубиятга учрагач Рим империясининг ҳудуди анча кенгайди ва Римнинг обрўси кучаяди. Баъзи олимлар Римга кўчиб келиб ижод қиладилар. Маслан, тарихчи Полибий кўп томлик Рим тарихига доир ўзининг «Тарих» асарини Римда ёзади.

Август (эр.авв. 30-14 й.) даври тарихчиси Тит Ливий 142 жилддан иборат (Римнинг таъсис қилинганидан кейинги тарихи)ни ёзган. Эр.авв. I асрда яшаган Галикарнасс Дионисий «Қадимги Рим ёдгорликлари» деган китоб ёзган. У маданиятшуносликнинг тарихи учун муҳим манба ҳисобланади. Корнелий Тацитнинг «Тарих» китобида 68-69 йиллардаги фуқаролар уруши ва Флавий даври тарихи баён қилинган. Унинг «Йилномалар» номли асарида Август ўлими билан Нерон ўлими орасидаги воқеалар ёзилган.

Юлий Цезар ҳам «Галл урушлари ҳақида ёзмалар» ва «Фуаролар уруши ҳақида ёзмалар» номли китобларни ёздириб қолдирган. Бу асарлар Рим тарихини, жумладан, унинг маданиятини ўрганишда муҳим манбалардир.

Юнон адабиёти таъсирида бир қатор шоирлар ва драматурглар пайдо бўлади. Улар ичида Плавт ва Теренцийларнинг комедиялари ҳозирга қадар етиб келган. Ливий Андроник Гомернинг «Одиссея»сини лотин тилига таржима қилган. Бу давр шоирларидан Луцилий турмуш мавзулари бўйича шеърлар ёзиб, ўта бойлик орқасидан қувувчи хасислар устидан кулган.

Эр.авв. 27 йили Рим республика номи билан аталсада амалда авторитор бошқарувидаги империяга айланди. Биринчи император, принципиат (шу сабабли империяни принципиат деб аталган) бўлган Октавианга Сенат

Август унвонини – «Муқаддас киши» деган фахрий ном берган. Октавиан давридан бошлаб бутун Апенин ярим ороли Италия деб атала бошланган. Беш аср давом этган империясида Август даври (эр.авв. 20-14 й) рим маданиятининг олтин даври ҳисобланади.

Цицерон Рим маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. У буюк философ, нотиқлик назариётчиси ва сиёсатчи эди. У ўз асарларида юнон фалсафа мактабининг барча оқимларини оммалаштиришга интилади. Рим стоицизмининг вакиллари Сенека, Эпиктет ва император Марк Аврелийлар бўлиб, уларнинг учаласи ҳам фалсафани инсоннинг дуёвий лаззатлардан воз кечиб, ахлоқий етукликка етишиши тўғрисидаги таълимот деб тушунишар эдилар. Стоицзмлик христианлик таълимотининг шаклланишига кучли таъсир қилган.

Империя даврида фанлар ривожланиши кузатилади. Катта Плиний, Птоломей ва Гален таниқли олимлар эди. Катта Плиний томонидан 37 томлик «Табиий фанлар тарихи» асари яратилди. Бу асар ўша даврда табиий фанлар энциклопедияси ролини ўйнаган.

Птоломей дунёнинг геоцентрик тузилиши тўғрисидаги таълимотга асос солди. Унинг «Алмагест» асари астраномик билимлар бўйича қомус эди. У оптика, математика ва география соҳаларига доир асарлар ҳам ёзган.

Қадимги дунёнинг машҳур табибларидан бири Асклепиад, Корнелий Цельс, Клавдий Гален бўлиб, уларнинг ичида Клавдий Гален (131-201 й.) машҳур эди. Дастлаб у гладиаторлик мактабида ишлаб, сўнг Рим императори саройида табиблик қилган. Клавдий Гален 400 дан ортиқ асарлар ёзган. «Унинг табиблик санъати», «Даво усуллари», «Дориларнинг тартиби ҳақида» асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Унинг асарларидан, жумладан, бобокалонимиз Ибн Сино ҳам фойдаланган.

Яратилган ёдгорликлар ичида Колизий ёки Флавий амфитеатри алоҳида ажралиб туради. У гладиаторлик жанги ва бошқа оммавий томошалар учун қурилган бўлиб, 50 мингдан ортиқ кишини сиғдирар эди.

Император даврида Вергилий Чўпонлар ашулаларининг тўплами «Буколикалар» асарини ва «Георгики» номли поэмасини ёзиб, унда деҳқонларга маслаҳат беради ва табиат гўзаллигини куйлайди. Унинг тугалланмаган поэмаси «Энейда» бўлиб, унда Римнинг афсонавий бош фуқароси Энеянинг саргузаштлари куйланади.

Овидий ўзининг «Ишқ санъати», «Дард-аламлар» ва «Понтдан мактублар» номли асарларида Август давридаги аслзодалар турмушини танқид остига олиб, Август ғазабига учраган. Бошқа асарларида эса ўз қайғу-аламини ва меҳнаткашларнинг оғир турмушини акс эттирган. Шу боис Қора денгиз бўйидаги Тома шаҳрига сургун қилинган.

Эрамизнинг I асридан бошлаб Римликлар айниқса уларнинг юқори табақалари, зодогонлари ҳаётида маънавий қашшоқлик жараёни кучайиб борди. Рим императорлари Калигуала ва Нерон қаҳриқаттиқлик ва маънавий бузуқлик рамзларига айланадилар. Маънавий бўшлик ва инқироз Рим жамияти ҳалокатининг бош сабабларининг бирига айланди.

395 йили Рим империяси икки қисмга, Шарқий ва ғарбий қисмга ажралиб кетади. 476 йили эса римликларнинг герман қабилаларининг қўшинидан навбатдаги мағлубияти натижасида охирги император Ромул Августинни тахтдан туширилади. Натижада ғарбий Рим империяси барҳам топади. Лекин Рим маданияти ўзининг Рим ҳуқуқи, архитектура, адабиёт фанлари бўйича эришган ютуқлари жаҳон маданиятида ўз ўрнини эгаллади ва ҳозирча яшаб келмоқда, инсонларни ҳайратга солмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1 Boboyev X. Madanyatshunoslik-T Yangi asr avlodi 2001, 6- 54

2

Dunyo haqidagi tasqvvurlarning kengayishi.

Salib yurishlari vaqtida yevropaliklar dunyoning kengligini, undagi rang-baranglikni ko`rdilar. Ularda notanish mamlakatlarga qiziqish paydo bo`ldi. Ba'zi sayyohlar Yevropa mamlakatlaridan ancha uzoq joylarga ham borardilar. Bu yerlardan boshqa xalqlarning hayotiga oid qiziqarli ma'lumotlar olib kelishardi. Shunday sayyohlardan biri venetsiyalik savdogar Marko Polo edi. Marko Polo (1254 - 1324) umrining qariyb yigirma besh yilini o`z vatanidan olisda o`tkazdi. Ko`p yil Xitoyda yashadi. Bu mamlakatning hayotini diqqat bilan kuzatdi. Sayyoh Italiyaga qaytib borgach, Osiyo mamlakatlaridagi xalqlarning hayoti va urf-odatlari haqida kitob yozdi. ,,Marko Polo kitobi" uzoq vaqtgacha geografiya xaritalarini tuzishda qo`llanma bo`lib xizmat qildi.

Ilm-ma'rifatning rivojlanishi. Shaharlarning kengayishi va qirol hokimiyatining ehtiyoji bilimli kishilar ko`proq bo`lishini talab qildi. savdo-sotiq ishlaridan kelgan daromadlarni hisoblash va shahar tengashlarida isfryuritish uchun savodli, *ma 'rifatli* odamlar kerak edi. Qirollarga ma'lumotli amaldorlar va sudyalar zarur edi. Shaharlarda xususiy kishilar yoki- shahar kengashlari tomonidan ochiladigan va cherkovga qarashli bo`lmagan maktablar vujudga kela boshladi. Bu maktablarda bolalarga o`qish-yozish va arifmetika cherkov maktablaridagiga qaraganda yaxshiroq o`rgatilardi. Tabiatga doir ma'lumotlar ham berilardi.

XII asrda Yevropada dastlabki oliy maktablar - universitetlar paydo bo`ldi. Ular mashhur o`qituvchilar bo`lgan shaharlarda vujudga keldi. Ularning birinchisi Parij universiteti edi. Universitetlarda darslar lotin tilida olib borilardi. Shuning uchun universitetlarning har birida turli mamlakatlardan borgan yoshlar o`qiy olardi.

Shaharda yashovchi o`qituvchi va *studentlar* mahalliy aholi bilan bo`ladigan nizo-janjallarda shahar sudining yordamiga umid qila olmasdilar. Shuning uchun studentlar va o`qituvchilar *universitetga* birlashganlar.

Universitetlar shahar ma'murlariga qarshi uzoq vaqt kurash olib borib, o`zini-o`zi boshqarish huquqini qo`lga kiritganlar. Endi ular universitet rahbarlarini va sudlarini o`zlari saylaydigan bo`lganlar.

Turli fan o`qituvchilari o`zlarining ayrim-ayrim birlashmalari — fakultetlarini tashkjl etdilar. Har qaysi fakultetga dekan boshchilik qilgan. o`qituvchilar bilan studentlar birgalikda universitet boshlig`i (rektor)ni saylardilar. Universitetlarda ilohiyot, qonunlar, tibbiyot o`rgatilardi. Studentlar o`qituvchilarning`ma'ruzalarini tinglar va yozib olardilar. Ma'ruzalar disput (munozara)lar bilan to`ldirilardi. XV asrda Yevropada 65 ta universitet bor edi. Ularning eng mashhurlarini Parij, Bolonya (Italiyada), Oksford (Angliyada), Praga, Krakov (Polshada) universitetlari tashkil etardi.

Shaharlarning o`sishi bilan cherkovning maktab ustidan tanho hukmronligiga putur yeta bordi. Ilm-ma'rifat asta-sekin feodallar va shaharliklar orasiga kirib bordi.

Ilmiy bilimlarning rivojlanishi. Xo`jalik taraqqiyoti ilmiy bilimlarning vujudga kelishiga sabab bo`ldi. Dehqonlar yerga ishlov berish usullarini takomillashtirdilar. Tuproqning xususiyatlarini bilib oldilar. Ob-havoni, chorva mollari va ekinlarning holatini kuzatib bordilar. Hunarmandlar metall va toshlarning xossalarini o`rgandilar. Turli tajribalar o`tkazdilar, bo`yoq va oyna tayyorladilar.

o`rta asrlarda astrologiya va alximiya kabi o`ziga xos fanlar taraqqiy topdi. Astrologlar kelajakda nimalar bo`lishini yulduzlarga qarab bilish mumkin, der edilar. Qirollar, sarkardalar va sayyohlar biror ishga kirishishdan oldin astrologlardan maslahat olardilar. Alximiklar esa har qanday metallni oltinga aylantirishga yordam beradigan ,,sehrli tosh" qidirganlar.

Amalga oshmaydigan, xayoliy maqsadni ko`zlaganliklariga qaramay, astrolog va alximiklarning olib borgan kuzatishlari, tajribalari astronomiya va ximiya (kimyo)ga oid bilimlarning to`planishiga yordam berdi. Chunonchi, alximiklar bo`yoqlar, metall qotishmalari, dorivor moddalar tayyorlash usullarini kashf qildilar va takomillashtirdilar. Ko`pgina kimyoviy uskunalar yaratdilar.

Shaharlarda mashhur olimlar paydo bo`ldi. XIII asrda yashagan angliyalik olim Rodjer Bekon shulardan biri edi. U bilimni kuzatishlar va tajribalar yo`li bilangina hesil qilish mumkin, deb hisoblardi. Fanning maqsadi tabiatni o`rganib, uni odamlarga xizmat qildirishdan iborat, degan edi Bekon. U mikroskop va teleskopning kashf qilinishini, shuningdek, kashfiyotlarni ham oldindan ko`ra bildi.

Kitob bosishning ixtiro qilinishi. Hunarmandchilik va savdo-sotiq rivojlanishi bilan shaharlarda savodli odamlar ko`paydi. Maktab o`quvchilari va talabalar uchun ko`proq darsliklar zarur bo`lib qoldi. Shaharliklar adabiyotga qiziqa boshladilar. Kitoblarni ko`paytirishning qo`lyozma usuli shaharliklarning kitobga bo`lgan talabini qondirolmay qoldi.

XV asr o`rtalarida nemis olimi logann Gutenberg kitob bosishni ixtiro qildi. Uzoq va qunt bilan mehnat qilib, metalldan ayrim literlar (harflar) quyish usulini kashf etdi. Ixtirochi ana shu harflardan satrlar va sahifalar qolipini tuzdi. Shu qolipdan qog`ozga nusxa tushirdi. Yig`ib, tarqatiluvchi shriftlar yordamida istalgan matn terilib, istalgan sahifani tuzish mumkin edi. Gutenberg kitob bosadigan matbaa dastgohini ham kashf etdi.

1445- yilda Gutenberg birinchi bosmakitobni nashr etdi. Yevropada kitob bosish rivojlana boshladi. Gutenberg ixtirosidan keyin o`tgan yarim asr ichida Yevropa shaharlarida 1100 bosmaxona ishga tushdi. Kutubxonalarning tokchalari turli fanlardan Yevropadagi barcha tillarda yozilgan kitoblar bilan to`ldi. Ular endi qo`lyozma kitoblar kabi qimmat emas edi.

Yodda tuting

Kitob bosishning ixtiro qilinishi insoniyat tarixidagi eng buyuk kashfiyotdir. U maorif,fan va adabiyotni ilgari siljitdi. Insoniyat tomonidan yig 'ilgan bilimlar bosma kitob orqali tezroq tarqala boshladi. Ana shu bilimlar endi uzoqroq saqlanadigan va kelajak avlodlarga yetkaziladigan bo 'ldi.

Atamalar mazmunini bilib oling

ilmiy bilimlar - insoniyat tomonidan yaratilgan va to`g`riligi amalda tasdiqlangan bilimlar

M**a'rifat** - kishilarning bilimini, madaniyatini oshirishga qaratilgan ta'lim-tarbiya.

Student - (lotincha so`z bo`lib, maktab degan ma'noni anglatadi) qunt bilan o`quvchi universitet talabasi.

Universitet-jamoa - student va o`qituvchilar jamoasi. Hozirgi kundagi oliy o`quv yurtlaridan biri.

Haykaltaroshlik.

o`rta asrlardagi haykaltaroshlik sarfati arxitektura bilan chambarchas bog`langan edi. Soborlar xudo, avliyolar, yepiskoplar va qirollarning yuzlarcha va hatto minglarcha haykallari bilan bezatilardi.

Ruhoniylar fikricha, san'at ,,savodsiz kishilar uchun diniy kitob" bo`lib xizmat qilishi, xristian kitoblarida bayon qilingan voqealarni tasvirlashi kerak edi. Shuning uchun ham san'at asarlarining asosiy buyurtmachisi cherkov bo`lgan. Ammo ustalar diniy mavzuda yasagan haykallarida hayotni o`zlari tushunganlaricha ifodalaganlar. Insonning olijanobligi va samimiyligini ulug`laganlar. Ustalarni, ayniqsa, onaning bolaga bo`lgan mehrmuhabbatini tarannum etish qiziqtirardi. Bu hol Bibi Maryamning ko`pgina haykallarida aks etgan.

Kitob miniaturasi.

Kitob miniaturasi rassomlik sarfatining katta yutug`i bo`ldi. Miniaturalarda ko`pincha dehqonlar va hunarmandlarning ishlab turgan payti aks ettirilardi. Bu esa xalqning o`z mehnati ahamiyati va qadr-qimmatini tushunishiga xizmat qilgan.

Adabiyot.

Shoirlar xalq ashulalari va dostonlarini to`plaganlar. Urush qahramonliklari va sargnzashtlari haqida she'riy roman va poemalar yozganlar. Bular aslida jangnomalar edi. Jangnomalar ichida eng mashhur epik poema Fransiyada XII asr boshlarida yaratilgan ,,Roland haqida qo'shiq"dir. Bu poemada Buyuk Karlning Ispaniyadan chekinayotgan vaqtda graf Roland harbiy qismining qahramonona halok bo`lishi hikoya qilinadi. Roland mislsiz qahramonliklar ko`rsatadi va o`z xo`jayiniga sodiqlik haqida ichgan qasamini buzmay halok bo`ladi. Poemada vatanga xiyonat qilgan kishilar qoralanadi.

XII asrga kelib shaharlarda badiiy asarlar paydo bo`la boshladi. Shaharliklar she'r bilan birga qisqa, kulgili hikoyalarni ham maza qilib o`qishardi. Bu hikoyalarning qahramonlari ko`pincha epchil va ayyor shaharlik yoki quvnoq va tadbirkor dehqon bo`lardi. Ular o`z muxoliflarini laqillatardilar.

Fransiya shaharlarida ko`p yillar davomida masal va ertaklardan iborat ,,Tulki haqida roman" degan poema to`qilgan. Bu poemada ayiq niqobi ostida tanbal yirik feodal, bo`ri sifatida o`lja qidirib, izg`ib yuruvchi ritsar, tulki sifatida aqlli, topqir shaharlik ko`rsatilgan. Bo`ri bilan kurashda doim tulki g`olib chiqqan.

Xalq og`zaki ijodi.

Qo`shiq, ertak, balladalarda dehqonlarning hayot haqidagi tasavvurlari aks

etgan. Mehnatda ham, dam olishda ham qo`shiq dehqonning yo`ldoshi bo`lgan. Ertaklarda tasvirlangan kambag`al odatda sehrli kuchlar yordamida murod-maqsadiga yetgan. Balladalar qahramoni hayotdagi nohaqlik, adolatsizliklarga qarshi norozilik bildirgan va jabr-zulmga qarshi kurashgan. Xalq orasida hatto dehqonlar hayoti haqida katta-katta poema (doston)lar to`qiydigan baxshilar bo`lgan.

Gumanizm.

g`arbiy Yevropada Italiya shaharlari boshqa davlatlar shaharlariga nisbatan yuksak rivojlangan edi. Bunda Italiya shaharlarining dengiz bo`ylari - qulay savdo yo`llarida joylashganligi katta rol o`ynagan. Italiya shaharlari Yaqin Sharq bilan savdo qiluvchi yirik savdo markazlariga aylangan. Eng yirik banklar ham shu shaharlarda joylashgan. Ular xalqaro ahamiyatga ega hisob-kitob ishlarini amalga oshirgan.

Sanoat ishlab chiqarishini va savdo-sotiqni yanada kengaytirish zaruriyati tabiiy va aniq fanlarning rivojlanishiga olib kelgan. Shaharning mulkdor tabaqalari (ular burjuaziya deb atalgan) fanlarning rivojlanishidan ko`proq manfaatdor edilar. Shuning uchun ham ular fanlar rivoji uchun mablag` ajratganlar. Shu tariqa ilm-fan taraqqiyoti uchun zarur shart-sharoitlar vujudga kelgan. Shahar mulkdor tabaqalari bilan bir qatorda *intelligensiya* ham shakllana boshlagan. Intelligensiya vakillari gumanizm deb nom olgan yangi madaniyatning namoyandalariga aylanganlar.

Yodda tuting

Gumanizm *- insonni birinchi o 'ringa qo 'yuvchi, uning qadr-qimmatini hurmat qilishni, inson kamoloti uchun zarur sharoitlar yaratib berishni talab qiluvchi, inson hayotini qadrlovchi g 'oyalar tizimi.*

Gumanizm g`arbiy Yevropada XIII asrdan boshlab Italiyada sxolastika va cherkov aqidalarining yakka hukmronligiga qarshi g`oya sifatida shakllana

boshladi.

o`rta asr universitetlari fani sxolastika deb atalgan. Bu fanning vazifasi katoliklik aqidalarini muqaddas yozuvlar va rivoyatlarga hamda antik davr allomalari (birinchi navbatda Aristotel) asarlariga tayangan holda isbotlashdan iborat bo`lgan.

Sxolastikaning yirik namoyandasi Foma Akvinskiy edi (1225 1274). U mashhur ,,Ilohiyot to`plami" asarining muallifi. Muallif asarida aql xudoning borligini asoslashga qodir, deb yozgan.

Ilohiyot (xudo to`g`risidagi ta'limot) - diniy aqidalar va ular haqidagi ilohiy ko`rsatmalarni o`z ichiga oluvchi diniy ta'limot.

Gumanistlar insonni erkin va o`z qadriga ega shaxs deb bilganlar. Qullikni, qaramlikni va tarkidunyochilikni rad etganlar. Insonning olamga ko`rsatayotgan faol ta'sirini ulug`laganlar. Bu dunyo ne'matlari inson hayotining muddaosidir. Yer yuzidagi hayot esa birdan-bir real hodisadir, deb uqtirganlar.

Gumanistlar insoniyatning yorug` kelajagiga, inson aql-zakovatiga, qudratiga hamda ma'rifatning kelgusida tantana qilishiga ishonganlar.

o`rta asrlanning dastlabki buyuk gumanistlari.

Ulug` gumanist siymolardan biri Dante edi (1265 - 1321). U Italiyaning Florensiya shahrida tug`ilgan, ,,Ilohiy komediya" asari italyan millatining orzu-armonlarini ifodalagan. ,,Ilohiy komediya"da dunyoning mashhur allomalari qatori Ibn Sino tilga olingan. Massagetlar malikasi, buyuk momomiz To`maris qahramonligi ham tasvirlangan.

Yana bir mashhur gumanist F.Biondo (1388 - 1463) edi. U ,,Rim imperiyasining qulashidan boshlanadigan tarix" asarini yozgan. Bu asar ming yillik (410 - 1410) tarixni o`z ichiga oladi. Muallif o`z asarida o`rta asrlarning XV asrdan keyingi bosqichini yangi tarixning alohida davri deb

ta'kidlagan edi. Asarning eng qimmatli tomoni ana shundadir.

Atamalar mazmunini bilib oling

„Gotik" atamasi german qabilasi - gotlar nomidan olingan.

Intelligensiya (ziyolilar) - ilm-fan, adabiyot va san'at bilan maxsus shug`ullanuvchi tabaqa, aqliy mehnat vakillari.